

БОБУРИЙЛАР МОЛИЯ ТИЗИМИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти

давлат музейи илмий ходими

Г Валиева.

Ҳар қандай давлатнинг қудратини белгиловчи асосий омилларидан бири унинг моддий бойлиги, яъни хазинасидаги бойлигидир. Давлат хазинасини тўлғазишнинг асоси эса мамлакат ҳудудида жорий этилган солиқлар тизимидир. Бобирийлар салтанатида мамлакатда мавжуд бўлган молия ишлари назорати бош вазир зиммасига юкланган бўлиб, у подшоҳ олдида жавобгар ҳисобланган. Бош вазир ҳузурида молия ишларини мукамал ташкил этиш ва уларнинг иш фаолиятини тўла назорат қилиш учун махсус маҳкамалар ташкил этилган. Уларга “Девони аъло” маҳкамаси раҳбарлик қилган. Девонбошининг махсус муовинларидан бири мушриф салтанатининг бош ҳисобчиси саналган. Давлат идораларининг ҳисоб-китоб ишлари унинг назоратида бўлган. “Девон холиса” маҳкамаси эса амалдорларга бўлиб берилган холис ерлардан олинадиган даромад ва буромад масалалари учун мутассади эди. “Девони жоғир” маҳкамаси эса турли мансаб эгаларига ҳукумат олдидаги катта хизматлари учун суюрғал қилиб берилган ерлар устидан маъмурий назорат ишларини олиб берган.

“Девони буюлет” деб аталган маҳкама ходимлари давлатга қарашли бўлган корхоналар ва меросхўри бўлмаган мулкларни назорат қилиш билан шуғулланган. Маошлар ва ижарага бериладиган ерлар назорати “Девони тан” деб аталган маҳкама ихтиёрида эди. Хазинага тушадиган қиримлар (совғалар, ўлпонлар ва бошқалар) чиқимлар ҳисоботи учун “Оваржанавис” лавозимидаги мансабдор мутассади этиб тайинланган. Умумий молиявий ишларни тафтиш этиш ва олий ҳукумат эътиборига ҳавола этиш муставфий зиммасига юклатилган. “Мир баҳши лавозимидагилар фуқарони

подшоҳ номидан харбий хизматга олиш,хизмат кўрсатган сарбозларни юқори мансабларга тавсия этиш ҳамда харбий таъминот ишларини бошқарарди. Денгиз ва дарё транспорти божхоналари ва божлар ундириш вазифаси “Мири баҳр”зиммасида эди. Маориф,маданият ва адлия ишлари соҳаси билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг молиявий ишлари шу соҳага маъсул бўлган “Садр ус-судур”(бош садр) маҳкамаси қошида иш олиб борадиган “Девони саодат” маҳкамаси томонидан ташкил этилар ва назорат қилинарди. Вилоятлардаги молиявий ишларни ташкил этиш учун ҳам алоҳида махсус маҳкама ташкил этилган бўлиб,бу идора “Девон” деб аталар ва бу маҳкама бошлиғи бўлмиш девонбеги вилоят ҳақида фақат марказий ҳукуматга аниқроғи бош вазирга ҳисоб берган. Вилоятлардаги сув транспорти ва бош тўловлари учун махсус мири баҳр тайёрланган бўлиб у ҳам марказдаги бош мири баҳрга бўйсинган. Туман ва паргана (касаба)ларда ҳам молия ишлари учун махсус маъсул идоралар ташкил этилган. Туман хокими (фавждор) бу соҳа учун бош маъсул ҳисобланган. Унга бу ишни ташкил этишда ажратилган ерлар ва маблағлар ижросини тафтиш қилувчи бош назоратчи “Амин”солиқлар тўловини руйхатга олиб боровчи мансабдор,яъни қонунгўй тайинланган. “Божхона”(бош ҳисобчи) ва хазинабонлар уларга ёрдам берганлар.Қишлоқларда эса молия ишларини ташкил этишда қишлоқ оқсоқолига “Патвори”,яъни ҳисобчи ёрдам берар эди. Бобурий подшоҳлар салтанатида солиқлар асосий ва доимий молиявий манба бўлиб, орасида ер солиғи алоҳида аҳамият касб этган .Ер солиғи ҳажмига қараб амалга оширилган. Марказий хокимият ўрнатган солиқдан ташқари маҳаллий хокимият ҳам”аҳбоб” деб аталадиган солиқ турларини жорий этилган. Бу тур солиқлардан йиғилган маблағлар маҳаллий эҳтиёжларга сарфланган. Бобуршоҳ ва Ҳумоюншоҳ ҳукмронлиги даврида мусулмон бўлмаган аҳолидан “Жизйа”аталган солиқ, мусулмонлардан эса закот олинар эди. 1564 йилда Акбаршоҳ жизйа солиғини бекор қилган. Бироқ 1679 йилда Аврангзеб бу тартибни яна қайта тиклади.

Аҳолидан ер солиғидан ташқари туз солиғи ҳам олинарди. Бунда Панжобдаги ва Ражпутанадаги Самтхор туз конлари, шунингдек мамлакат ҳудудида ўсадиган бўёк

олинадиган ўсимликлар давлат монополияси ҳисобланиб,бундан олинадиган солиқлар тўғридан-тўғри давлат хазинасига тушарди.Конлар,топиб олинган хазиналар, урушлардан олинган ўлжалардан олинган солиқлар “хумлар” деб аталиб,давлат ихтиёрига олинар эди. Мамлакатда юздан ортиқ давлат ихтиёридаги корхоналар бўлиб,уларнинг кўпчилиги пойтахтда жойлашган эди. Уларда кийимликлар,безак анжомлари, пардоз буюмлари,курол-аслаҳа,уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилар эди. Бу маҳсулотлар одатда сарой эҳтиёжлари учун юборилар ва ундан ортиб қолган қисми сотувга чиқарилар, олинган даромад давлат хазинасига тушар эди. Йилнинг маълум кунларида мансабдорларнинг подшоҳга совға-саломлар тақдим қилиши ҳам қонун даражасига етказилган тартибга айланиб қолган эди. Манбаларда кўрсатилишича бу тартибларнинг муаллифи сарой дабдабаларини ва сержило хашамларни жуда яхши кўрадиган ва шу боис хазинани тўлғазиш иштиёқи билан банд бўлган .Жаҳонгиршоҳнинг суюкли маликаси Нур Жаҳон Бегим бўлган эди. Давлат бюджетидан қопланадиган харажатларнинг асосий қисми давлат идораларидаги ва харбий тизимдаги мансабдорларнинг маошлари салтанат учун катта хизмат кўрсатган арбоблар учун тайёрланган нафақалар,подшоҳ томонидан бериладиган инъомлар,сарой эҳтиёжлари учун сарифланадиган чиқимлар ва бошқаларни қоплаш учун сарфланган. Бобирийлар даври молия тизими ўз даврининг асл иқтисодий йўналишларидан бири бўлганлигини кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий,сиёсий ривожланиши учун манба вазифасини бажарган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент-1991 йил.
2. М. Прица «Тошкент ганчкорлиги»
Бадиий адабиётлар нашриёти. 1960 йил.
3. С.Булатов. Ўзбекистон санъати тарихи. Тошкент 1991 йил.